O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 23 май, № 97 (3896) Сешанба

«ПРЕЗИДЕНТНИНГ ҚЎЛИНИ ОЛДИМ»

фермер бу сўзни чексиз ғурур ва қувонч билан айтди

Ўтган ҳафта мамлакатимиз Президенти жойларда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишиш учун Навоий ва Бухоро вилоятларига сафар қилди. Аньанага кўра давлатимиз раҳбари юртимизда амалга оширилаётган ишларни бевосита жойида кузатадилар, халқнинг кайфиятини яқиндан ҳис қилиш учун оддий одамлар билан мулоқот қиладилар.

Ишларнинг бориши қандай? Янаям дадил одим отишимиз учун нималар етишмайди? Ҳаётимиздан эл-улус розими? — Булар Президент кўнглидаги саволлар. Сафар давомида оддий, самимий одамлар сўзларидан ҳаёт нафаси уфуради. Юртбоши билан ўтказилган лаҳзалар мангуга муҳрланади.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

— Мен бугун Президентнинг қўлини олдим, — дейди чексиз ғурур ва қувонч билан Бухоро туманидаги «Ғанипўлат» фермер хўжалиги раҳбари Субҳон Ғаниев ҳамқишлоқларига.

— Келинг, биз сизнинг қўлингизни олайлик, — дейишади фермерга янгиқишлоқликлар. — Сиз ҳам табаррукси, ахир.

Қанчалик табиий, ҳаётий ҳолат бу. Беихтиёр ўйлайман: халқимизда Юртбоши шахсига нисбатан буюк эътиқоднинг замирида нима ётар экан? Миллатимиз табиатими? Бўлиши мумкин. Лекин шуурримга бошқа фикр келади. Ўз халқи тинчлиги-осойишталиги учун, шу азиз Ватан равнақи учун қилинган хизмат эмасми Президент сиймосининг юксакликларга кўтарилишига сабаб?

Кейинги икки-уч кун ичида бир қанча юртдошларимиз билан Президентнинг ана шу сафари ҳақида гаплашишга тўғри келди. Уларнинг ҳаммаси ойнаи жаҳон орқали ташриф ҳақидаги кўрсатувларни зўр эътибор билан кузатишган, дилларида оламжаҳон таассуротлар туғилган. Келинг, улар билан сиз ҳам танишинг.

Илҳом ДЕҲҚОНОВ, Тошкент маданият коллежи директори:

— Навоий шаҳридаги дид билан қурилган масжидни кўриб мамнун бўлдим. Ўша жойлик нуроний отахон ҳаммамизнинг кўнглимиздаги ниятларни дуода ифодалаганда бутун оила аъзоларимиз билан юзимизга фотиҳа тортдик. Шундай кунга етказганига шукр!

Президентимиз тинч ва фаровон ҳаёт кечиришимиз учун ҳамма шароитни яратиб беряптилар. Айтинг, ёш авлод келажаги учун қачон шунчалик қайғурилган?! Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизга энг ривожланган мамлакатларнинг номдор мутахассислари ҳам тан беришяпти-ку. Фақат биз буни юксак қадрлашимиз керак. Шунчалик улкан имкониятлар измимизда эканлигини бирбиримизга уқтиришимиз зарур.

Озод ХЎЖАЕВ, республика ихтисослаштирилган Кардиология маркази профессори:

— Юртбошимиз Бухоро диагностика марказида айтган гаплари бизни ҳайратга солди. У киши хаёлан ўзларини бу даргоҳга дармон излаб келган беморнинг ўрнига қўйиб сўзладилар. Халқ саломатлиги учун юракдан жон куйдириш сабаб бунга. Зиммасида жаҳоний муаммолар турган давлатимиз раҳбари тиббиёт масканидаги ҳолатни шунчалик икирчикиригача таҳлил қилишларига тан бердик.

Қўчқор ИСОМОВ, Жиззах туманидаги 17-ўрта мактаб директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими:

— Яқинда мактабимиз ўқувчиларини Самарқанд шаҳрига ва Имом ал-Бухорий мажмуасига зиёратга олиб боргандик. Дарҳақиқат, улуғ аждодларимиз қолдирган қадамжоларни бориб кўриш, уларнинг эзгу ишларини ёдга олиш кўнгилни поклайди. Президентимиз Бухородаги Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрганларида биз учун янги гапларни айтдилар. Зиёрат дамларида ҳар бир инсон ўзида руҳан енгиллик сезади. Шахсан Юртбошимиз раҳнамолигида бунёд этилган янги обидалар XVI асрда яратилган ёдгорликларга уйғунлашиб кетганлиги ҳам ҳақиқатдир.

Ҳа, бу жойларни дунёнинг нариги четидан келиб кўришсаю, Ўзбекистонда туриб қадрига етмаслик, кўрмаслик мумкинми? Биз яқин кунларда ўқувчи ва ўқитувчилар Бухорога зиёратга боришни режалаштириб қўйдик. Ўша заминда муборак қадамжоларнинг бугунги жамолидан баҳра оламиз, тинч ва осойишта ҳаётимизга шукрона айтамиз.

Парда ЗИЁДОВ, фермер, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Юртбошимиз ҳар бир сафарларида фермерлар ҳаёти билан, уларнинг ташвиш ва муаммолари билан албатта қизиқадилар. Шундай бўлиши, табиий. Негаки, биз, фермерлар ислоҳотларнинг олдинги марраларида дадил бораётганлигимиз, аввало, Президентдек ҳомийимиз борлигидан. Қишлоқ хўжалигида кейинги йилларда туб ислоҳот ўз самарасини бермоқда. Ўтган йили бутун вилоятимиз ёппасига фермерлашгани боис яхши натижаларга эришдик.

Президентимиз фермерлар ўз бурчига, жамиятга муносабатини ўзгартириши керак, деган сўзларини астойдил маъқуллаймиз. Модомики, келажак — фермерларники экан, бундай таъриф зиммамиздаги масъулиятни бир неча карра оширади.

* * *

Оддий одамлар билан суҳбатлашсангиз эл оғзидаги энг долзарб мавзулардан хабардор бўласиз. Маҳалла гузарлари, аҳоли гавжум жойларда аксарият юртдошларимиз Президентнинг Навоий ва Бухоро вилоятларига қилган сафарларида айтилган гапларга ўз муносабатларини билдиришмоқда. Халқнинг дилидаги гап бўлди, жуда тўғри айтилди, деган баҳолар Ўзбекистонда миллатнинг бунёдкорлик табиати яққол намоён бўлаётганини кўрсатади. Бу йўлда халқимизга ҳамиша эзгу фазилат ва фойдали амаллар ёр бўлсин!

Ш. ЖАББОРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси бош бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти билан ҳамкорликда "Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ердан фойдаланиш самарадорлигини қонунчилик асосида таъминлаш" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Анжуман қатнашчилари кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш, ер ресурсларидан оқилона, самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги экинлари унумдорлигини ошириш ҳамда ерларни ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш масалаларига жиддий эътибор берилаётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси", "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида", "Давлат ер кадастри тўғрисида", "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунлари ерга муносабатни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Иштирокчилар ўз чиқишларида тупроқ ҳолати ёмонлашувини тўхтатиш, унинг унумдорлигини қайта тиклаш ва ошириш, шунингдек, ердан фойдаланувчиларнинг жавобгарлигини белгилашни таъминлайдиган ҳамда кафолатлайдиган ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш зарурлигини қайд этди. Ушбу ҳуқуқий механизмлар Ўзбекистон Республикасининг янги ишлаб чиқилаётган "Тупроқ унумдорлиги тўғрисида"ги қонуни лойиҳасида акс эттирилиши лозим бўлган ташкилий, иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий масалаларни қамраб олиши керак. Муҳокама чоғида концепциянинг айрим моддалари ва мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштиришга доир қатор таклифлар билдирилди.

Тадбир қатнашчилари муҳокама якунлари бўйича қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ердан фойдаланиш самарадорлигини қонуний таъминлашга қаратилган тегишли тасвияномаларни ишлаб чиқди. Анжуманда мутахассислар, манфаатдор вазирлик, идора ва давлат қўмиталарининг тажриба алмашинуви асосида, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг доимий комиссиялари раислари, фермер хўжаликлари вакиллари ва бошқаларнинг фикрлари ҳисобга олинган ҳолда муҳокама этилган масалалар юзасидан тавсияномалар қабул қилинди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, доимий комиссиялар раислари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг вакиллик ҳокимияти маҳаллий органлари депутатлари, вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, илмий- тадқиқот институтлари ва муассасалар, олий ўқув юртлари, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллари, олимлар, мутахассислар, амалиётчилар ва бошқалар қатнашди.

(ЎзА).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси **Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси БМТнинг "Парламентнинг қонун ижодкорлиги ва институционал салоҳиятини такомиллаштириш" лойиҳаси** билан ҳамкорликда давра суҳбати ўтказди. У "Ўзбекистон Республикасида фирма номлари" тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиш муаммоларига бағишланди.*

Таъкидланганидек, ҳозирги кунда фирма номлари тўғрисидаги меъёрлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган. Бироқ мазкур ҳужжатларда фирма номлари билан боғлиқ айрим жиҳатлар эътиборга олинмаган. Шу боис, давра суҳбати иштирокчилари фирма номлари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш зарурлигини таъкидлашди.

Айтиш жоизки, муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаси 16 моддадан иборат бўлиб, унинг 4 моддаси фирма номлари таркибига нисбатан умумий қоидаларни ўз ичига олади.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қўмиталар ва депутатлар ишини режалаштириш ва таҳлил қилиш тизими масалаларига бағишланган тақдимот-тренинг (Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси ва ЕИ давлатлари парламентлари мисолида) ўтказилди.

Тақдимот-тренинг қуйи палатанинг **Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Европа Иттифоқи Комиссиясининг ЕвропЭйд дастури доирасидаги "Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш" лойиҳаси** ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси ҳузуридаги экспертлар кенгаши аъзоси, Москва Олий иқтисодиёт мактаби профессори В. Мазаев сўзга чиқиб, депутатлар фаолияти таҳлилини олиб бориш ва режалаштириш тизимини Россия Думаси қўмиталари мисолида батафсил ёритиб берди. Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказининг катта илмий ходими, лойиҳа эксперти Ф. Бакаева эса мамлакатимиздаги қонун ижодкорлиги жараёнининг хусусиятлари ва бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида йиғилганларга кенг тушунча берди.

Қўмита ва депутатлар ишини режалаштириш, таҳлил ва прогноз қилиш тизимини такомиллаштиришнинг халқаро амалиёти каби долзарб масалалар муҳокамаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Зиёда АШУРОВА.

Тадбир

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг "Меҳр" бирлашмаси, "Тадбиркор аёл" ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилган "Ўзбекистоннинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида хотин-қизлар ролини ошириш истиқболлари" мавзуидаги форум бу борада яна бир қадам бўлди.

Жамиятда аёлнинг ўрни

"Пойтахт" меҳмонхонасида бўлиб ўтган анжуман олдидан уй-рўзғор буюмлари ва либослар кўргазмаси ташкил этилди.

Йиғилишда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова, «Меҳр» хотин-қизлар нодавлат-нотижорат ташкилотлари бирлашмаси раиси З.Тўхтахўжаева, "Тадбиркор аёл" ассоциацияси раиси Д.Алимбекова, Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Д.Мирзакаримов, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири ўринбосари С.Ҳасанов ҳамда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари қатнашиб, аёлларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун шароит яратиш зарур эканини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, жамиятнинг барча соҳаларида фаолият юритаётган аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий малакаси ҳамда саводхонлик даражасини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жойларда хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш зарур. Мазкур мақсадлар форумда қабул қилинган қарорда акс эттирилди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Шоира БОЙМУРОДОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

АЛОҚАЧИЛАР АЛОҚАНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА



Тошкентда Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик алоқа маъмуриятлари раҳбарлари кенгашининг 35-мажлиси ва Ахборотлаштириш бўйича минтақавий ҳамдўстлик Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 9-йиғилиши бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирларда МДҲ мамлакатларининг алоқа маъмуриятлари раҳбарлари, Латвия, Литва Республикаси, "Дойче телеком" (ГФР), Эстония Республикасининг "Эсттелеком" акционерлик жамиятидан кузатувчилар, шунингдек, Халқаро электр алоқа иттифоқи, МДҲ Ижроия қўмитаси, мамлакатимиз ва хориждаги қатор компаниялар вакиллари иштирок этмоқда.

Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик кенгаши раиси, Россия Федерациясининг ахборот технологиялари ва алоқа вазири Л.Рейман тадбирни очар экан, жорий йилда Алоқа соҳасида минтақавий ҳамдўстлик ташкил этилганига 15 йил тўлганини таъкидлади. Бугун Алоқа соҳасида минтақавий ҳамдўстлик таркибига 12 нафар тўла ҳуқуқли аъзо ва 6 нафар кузатувчи киради.

Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстликнинг Мустақил Давлат Ҳамдўстлигида давлатлараро мувофиқлаштирувчи орган сифатидаги мақоми МДҲ ҳукуматларининг "Почта ва электрон алоқа соҳасида давлатлараро муносабатларни мувофиқлаштириш тўғрисидаги битим"ни имзолаган раҳбарлари кенгаши томонидан белгиланган. Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик қисқа муддат ичида халқаро миқёсда кенг эътироф этилди. У Халқаро алоқа иттифоқи ва Жаҳон почта иттифоқида кузатувчи мақомига ҳам эга. Ўтган 15 йил давомида Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик МДҲ давлатларининг миллий алоқа ва ахборотлаштириш тармоқларини ривожлантириш ҳамда бирлаштириш йўлидаги самарали ва ўзаро фойдали ҳамкорлигини намоён этди.

Тадбирда МДҲ мамлакатлари алоқа маъмуриятлари ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорликни янада кенгайтириш, иқтисодий, илмий-техника сиёсати соҳасида ҳамжиҳатликни мувофиқлаштириш, радиоспектрни бошқариш, ягона почта кенглигини ташкил этиш ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабат ўрнатиш масалалари муҳокама этилмоқда.

Йиғилиш қатнашчилари ўтган йилнинг ноябрида Тунисда бўлиб ўтган Ахборот ҳамжамияти масалаларини бўйича бутунжаҳон учрашуви қарорларининг ижроси, кичик бизнес субъектларига алоқа хизматларини кўрсатиш тажрибаси ва бу борада лицензиялаш, нархни белгилаш ва базавий алоқа операторлари билан ўзаро муносабатлар соҳасида пайдо бўладиган муаммоларни кўриб чиқади. Шунингдек, Ахборот-маркетинг марказлари тармоғини ташкил этиш бўйича давлатлараро дастурнинг амалга оширилиши, МДҲ давлатларининг ахборот технологиялари соҳасидаги стандартларини уйғунлаштириш муаммолари, Ҳамдўстликдаги ахборотлаштириш жараёнини ифода этувчи ишлаб чиқиладиган кўрсаткичлар тизимини муҳокама этиш режалаштирилмоқда.

Йиғилишнинг биринчи кунида Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстликка аъзо давлатлар делегацияларининг Женевада (Швейцария) бўлиб ўтаётган рақамли эшиттиришни режалаштириш бўйича минтақавий конференцияда иштирок этаётган раҳбарлари билан видеоконференция ташкил этилди. Видеоконференция давомида ушбу масалада ягона сиёсат юритиш ҳамда Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик аъзоларининг манфаатлари муштараклиги ва уйғунлиги тўғрисида фикр алмашинди ва муайян келишувларга эришилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Россия Федерациясининг Ахборот технологиялари ва алоқа вазирлиги ўртасида ахборот технологиялари, почта алоқаси ва электрон алоқа соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов иштирок этди.

В. НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.

Ўтган ҳафтага назар

БУНЁДКОРЛИК — ФАРОВОН ҲАЁТ АСОСИ

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги яқинлашган сайин мамлакатимизда яратувчилик, бунёдкорлик ишлари ҳам авжига чиқмоқда. Бундан бир ойгина мақаддам пойтахтимизнинг Чилонзор метро бекати устидан ўтганимда қурувчилар вагонларини ўрнатаётган эди. Бугун эса бу ерда қурилаётган кўприкнинг устунларини деярли ўрнатиб бўлишибди. Сирғалидаги йўлўтказгич ва Эркин қўрғони ўртасида бунёд этилаётган кўприк қурилишида ҳам ишлар жадал суратда олиб борилаяпти. Булар Тошкентда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг бир қисми, холос. Аслида бугун нафақат пойтахтимиз, балки бутун Ўзбекистон қурилиш майдонига айланган. Юртимизнинг чекка қишлоқларида ҳам коллежлар, мактаблар, маданий-маиший бинолар қурилиб фойдаланишга топширилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов шу йилнинг 18-19 май кунлари жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ислоҳотлар, юртдошларимизнинг орзу-ўйлари, турмуш шароити билан яқиндан танишиш мақсадида Навоий ва Бухоро вилоятларига ташриф буюрди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон — Россия:

Ҳамкорликнинг олий мақоми

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома жаҳон жамоатчилиги томонидан хайрихоҳлик билан қарши олиниб, минтақада тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжат қонуний кучга кирганлигига унча кўп вақт ўтмаган бўлса-да, ҳар иккала мамлакат манфаатлари кўзланган дадил қадамлар қўйилмоқда, ҳамкорлик ришталари мустаҳкамланмоқда.

(Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани ҳаётга татбиқ этиш ҳақида материаллар билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишишингиз мумкин).

Сўнггги соатда

Илк учрашув ғалаба билан

Италиянинг Турин шаҳрида шахмат бўйича 37-Бутунжаҳон Олимпиадаси бошланди.

Ушбу нуфузли турнирда 150 га яқин мамлакатдан келган кучли «ақл гимнастикаси» усталари ғолиблик учун дона сураяптилар. Кеча Ўзбекистон эркаклар терма жамаоси биринчи ўйинни Ямайка давлати вакилларига қарши ўтказиб, 3,5 : 0,5 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Ж. ЗИЁДУЛЛАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ОЛИЙ МАҚОМИ

Давлатлар ўртасида муносабат ўрнатишнинг турли даражалари — мақомлари мавжуд. Агар оддий дипломатик алоқани энг оддий мақом десак, иттифоқчилик муносабатлари ўрнатишни энг олий мақом дейиш мумкин. Ўртада турли номлар билан аталадиган шартноманинг мукобиллари бор. Уларнинг аксариятидан Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида қўлланилмоқда.

БИЗНИНГ ШАРҲ

ИШОНЧ кўприклари

Айтайлик, Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида ҳамкорлик ва давлатлараро муносабатлар тўғрисида шартнома имзоланган. Бизнинг Ҳиндистон билан давлатлараро муносабатимиз яхши, савдо-иқтисодий, ҳарбий-техникавий, таълим, илм-фан, туризм, геология, банк хизмати каби соҳалардаги алоқаларимиз кўнгилдагидек. Шартноманинг номиёқ мақсад-моҳиятни англатиб турибди. Бу ерда гап стратегик шериклик ёки томонларнинг алоҳида мажбуриятлари ҳақида бормаяпти. Демак, иккала давлатнинг муносабатлари ва ҳамкорликлари шартномада белгилаб берилган даражада ривожланади.

Энди Ўзбекистоннинг Корея Республикаси билан муносабатларига келсак, мақомда бироз фарқ борлигини кўрамиз. Бу икки давлат ўртасида стратегик шериклик тўғрисида Шартнома имзоланган. Бундай шерикликдан кўзланган мақсад, аввало, кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйишдан, қолаверса, ўзаро ишонч кўпригини мустаҳкамлашдан иборат. Умуман, стратегик шериклик яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам асқотадиган содиқ ва ишончли дўст дегани.

Бугунги таҳликали дунёда ишончли шерик орттиришнинг аҳамияти беқиёс. Жаҳонда ўзининг ҳарбий, иқтисодий, сиёсий-ижтимоий салоҳиятига эга бўлган бир қудратли давлат бор. Бу Хитой бўлиб, Ўзбекистон билан бу давлат ўртасида Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланган. Эҳтимол, бу шартнома келгусида икки давлат ўртасида стратегик шериклик муносабатлари равнақ топиши учун асос бўлар. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ҳозир Ўзбекистон-Хитой муносабатларини узоқ муддатли асосда ривожлантириш учун мустаҳкам сиёсий ва ҳуқуқий замин яратиш борасида саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти.

Иттифоқчилик муносабатлари — давлатлараро алоқаларнинг олий мақомидир. Бу икки давлат ўртасида катта-кичикликка, кучли-кучсизликка қараб эмас, балки мутлақо тенгликка асосланган мустаҳкам ишонч кўпригидир. Бу икки давлат ўртасидаги ўта яқин, беғараз ва беминнат ҳамкорлик ҳамда шерикликнинг юксак намунасидир. Бу икки давлатнинг бирортасига ташқаридан бўладиган ҳар қандай таҳдидга қарши биргаликда курашиш демакдир. Ўтган йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон билан Россия ўртасида ана шундай олий мақомдаги ҳужжат — Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартнома имзоланган эди. Иккала давлат парламентлари мазкур ҳужжатни ратификациялагани ва Президентлар имзолаганидан сўнг Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома қонуний кучга кирди.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Сўнгги воқеалардан кўриб турганимиздек, Ўзбекистон — Россия муносабатлари муттасил мустаҳкамланиб бормоқда. 2005 йилнинг 14 ноябрь куни икки давлат ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартнома имзоланди. 2006 йил 25 январь куни Ўзбекистон Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятига аъзо бўлди. Бу саналар Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларни янги марралар, янги сифат даражасига олиб чиқди.

ТАРАҚҚИЁТ САРИ БИРГАЛИКДА

Ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучи бозорининг яхши ишлашини таъминлаш ва ривожлантириш, солиқ, пул-кредит, молия-валюта, савдо ва божхона сиёсатини ўзаро келишиб олиб бориш, инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш кабилардир. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Россия миллий ва халқаро транспорт инфратузилмаларидан биргаликда фойдаланиш ва уларни ривожлантириш, йўловчилар ва юклар транзитини амалга ошириш учун ўз ҳудудида етарли шарт-шароитни яратиш, шунингдек, ушбу мақсадлар учун учинчи бир давлатдан ёки халқаро молия ташкилотларидан сармоялар жалб қилиш борасида ўзаро манфаатли алоқаларни чуқурлаштиришга ҳам келишиб олдилар.

Ўз муносабатларида Ўзбекистон ва Россия иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга, маданий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни йўлга қўйишга устувор аҳамият беради. Мамлакатларимиз бу йўналишдаги интилишларини ҳам икки томонлама, ҳам минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида янада фаолроқ мувофиқлаштира бошлади. Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлигининг барқарор ривожланаётганини давлатларимиз ўртасидаги савдо айланмасининг муттасил ўсиб бораётгани ҳам тасдиқлайди. 2004 йил биринчи чораги якунларига қараганда, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 2003 йилнинг шу даврига нисбатан 26 фоизга ортди ва 226,9 миллион АҚШ долларига етди. Бунда Ўзбекистонга товар ва хизматлар экспорт қилиш ҳажми 132,6 млн. долларни ташкил қилди (ташқи савдо операциялари умумий миқдорининг 58,4 фоизи), Ўзбекистондан импорт ҳажми эса 94,3 млн. долларга етди (41,6 фоиз). 2005 йил якунларига кўра, ўзаро савдо айланмаси даражаси Ўзбекистон ва Россиянинг мустақиллик йилларидаги рекорд кўрсаткични қайд этиб, 2 миллиард доллардан ошиб кетди, 2006 йил биринчи чорагида эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24,5 фоизга ортди.

Ўзбекистондан Россияга етказиб берилган асосий товарлари сифатида машиналар ва асбоб-ускуналар, пахта толаси, мева-сабзавот маҳсулотларини келтириб ўтиш мумкин. Россия импорти таркибида эса машина ва асбоб-ускуналар, қора металлургия ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, дори-дармон саноати маҳсулотлари асосий ўрин тутмоқда.

Ўзбекистонда россиялик инвесторлар иштирокида уч юздан зиёд корхоналар рўйхатдан ўтган, жумладан уларнинг қирққа яқини 100 фоиз Россия томони капитали асосида ишга туширилган. Ўнлаб Россия компаниялари республикада ўзининг ваколатхоналарини очган. Россияда юздан ортиқ ўзбек тадбиркорлари иштирокида ташкил этилган корхона, шу жумладан 70 га яқин қўшма корхона ишламоқда.

Айни пайтда асосий эътибор иқтисодиётнинг энг жадал ривожланиб бораётган соҳаси — ёқилғи-энергетика мажмуини ҳамкорлик алоқаларимизнинг локомотивига айлантиришга қаратилган. Ўзбек табиий газини қидириб топиш, қазиб олиш ва ташиш бўйича қатор йирик лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этиш арафасида турибди. 2004 йил 14 апрелда «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси ва «Газпром» очиқ акциядорлик жамияти ўртасида Шохпахта газ конида олиб бориладиган ишларни аниқ тақсимлаш бўйича Битим имзоланиши ҳам бу йўлдаги муҳим қадам бўлди. Шунингдек, Устюрт газ конини ўзлаштириш бўйича ҳам битим тузилган бўлиб, бу инвестиция лойиҳасининг қиймати 1,4 миллиард долларга тенг. Мазкур битимларга «Ўзбекнефтгаз» ва «Газпром» ўртасидаги стратегик ҳамкорлик тўғрисида аввал имзоланган келишувлар давомида эришилганди. Уларни рўёбга чиқариш 2006 йилда Россияга экспорт қилинаётган газ ҳажмини 10 миллиард куб метрга етказиш имконини бериши кутилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида ҳам ҳамкорлик кучайгани кўзга ташланмоқда. Тармоқда ҳозирнинг ўзида Россиянинг «Балтимор», «Черкизово» сингари 9 та машҳур компанияси иштирокида ўзбек-рус қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. «Вимм Билль Дан» компанияси энг йирик бирлашма саналган «Тошкентсут» корхонасининг 77 фоиз акциясини харид қилиш тўғрисида шартнома имзолади ҳамда сут маҳсулотлари ва мева шарбатлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона барпо этиш учун 20 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритишни мўлжалламоқда.

Қолаверса, металлургия, энергетика саноати, авиасозлик, сув хўжалиги, банк иши, суғурта, тиббиёт ва бошқа тармоқлар ҳам ўзаро манфаатли соҳаларга айланиши мумкин.

Ўзбекистон ва Россияда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, географик яқинлик, тадбиркорлар икки мамлакатнинг бозорлари ва халқларимиз менталитетини яхши билиши савдо, инвестиция ва хўжалик фаолиятининг бошқа соҳаларида алоқаларни мустаҳкамлаш учун кучли пойдевор бўлиб хизмат қилади. Шу маънода, Ўзбекистон ва Россиянинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги минтақавий интеграциялашуви таҳлилига батафсилроқ тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг интеграция гуруҳларидан бири сифатидаги тараққиёти XXI асрга хос бўлган глобаллашув жараёнларининг умумий қонуниятлари — иқтисодиётнинг миллатлараро ва трансмиллий тус олиши, мамлакатлар ўртасида меҳнат тақсимоти ва халқаро муносабатларнинг мутлақо янги тизимларига асосланган халқаро информацион ишлаб чиқаришнинг шаклланиши билан боғлиқ.

Ўзбекистон ва Россиянинг илм аҳли ўртасидаги ҳамкорлик ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. 2005-2006 ўқув йилида Ўзбекистонга ўзбек ёшларининг Россия олий ўқув юртлари, магистратура, аспирантура ва бошқа муассасаларида таълим олиши учун давлат линиялари бўйича 140 та стипендия ажратилди. Шунингдек, Тошкентда М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг филиалини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қарийб бир асрлик тарихга эга, Россиянинг етакчи иқтисодий олий таълим даргоҳларидан бири бўлган Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси филиали, мана 10 йилдирки, Тошкентда зўр муваффақият билан фаолият олиб бормоқда. Шу давр мобайнида нафақат Ўзбекистонда, балки Россия Федерацияси, АҚШ, Буюк Британия, Германия ва дунёнинг бошқа ривожланган мамлакатларида ишлаётган 900 нафардан зиёд битирувчи тайёрланди. Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкентдаги филиалида қўшма илмий-амалий ва назарий конференциялар, семинарлар, ҳозирги замон иқтисодий тараққиёт муаммолари бўйича анжуманлар, россиялик ўқитувчилар ва илмий арбоблар иштирокида мастер-синфлар ўтказиш бўйича катта тажриба тўпланди. Ўқув жараёнида марказ даргоҳнинг салоҳиятидан кенг фойдаланилмоқда, академиклар В.И.Видяпин, Г.П.Журавлёва, профессорлар В.Белянский, Т.Данько, Ю.Одегов ва бошқалар томонидан ўқиладиган маърузалар одатий ҳолга айланди. Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси билан ҳамкорликда филиал ҳар йили «Плеханов ўқишлари» номли халқаро анжуман ўтказади. Шунингдек, филиал талабаларининг Москвада бўлиб ўтадиган «Плеханов ўқишлари»га ташриф буюриши ҳам анъанага кирди. Филиал, шунингдек, Ўзбекистоннинг иқтисодий олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари таркиби учун малака ошириш семинарларини ўтказиб келмоқда. 2003 йил апрелда республика олий таълим муассасаларининг 30 нафар кафедра мудирлари Россия иқтисодиёт академияси базасида Москвада стажировкадан ўтади. Ушбу семинар натижасида «Иқтисодий таълим бўйича Россия тажрибаси» номли маърузалар матни яратилди.

2006 йил бошида навбатдаги маҳорат мактаби ташкил этилиб, унда Солиқ академияси, Ўзбекистон Миллий университети, Ислом университети, Фанлар Академиясининг иқтисодиёт институти, Молия институти, Тиббиёт академияси, Тошкент Ахборот технологиялари университети, Автомобильйўллар институти, Шарқшунослик институти, Техника университетининг олимлари ва мутахассислари иштирок этдилар. Институционал иқтисодиётнинг асосий муаммоларини тадқиқ қилишга бағишланган маҳорат мактабини иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Олий мактабнинг хизмат кўрсатган ходими, «Ривожланиш иқтисодиёти», «Микроиқтисодиёт курси», «Жамоатчилик танлови назарияси» сингари дарсликлар муаллифи, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси кафедра мудири Р.М.Нуреев олиб борди.

2006 йилнинг февраль ойида Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси президенти, академик В.И.Видяпин Тошкентга ташриф буюрди. Ўша кунлари «Труд» газетаси саҳифаларида В.И.Видяпин Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкентдаги филиалини «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ», «Молияни бошқариш» сингари янги йўналишларни очиш орқали ривожлантириш бўйича стратегик таклифларни илгари сурди.

Икки томонлама ҳамкорликнинг маданий соҳасида 2005-2006 йилларда маданий ҳамкорлик дастурининг имзоланиши асосий воқеа бўлди. 2006 йил кузда Россияда Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказиш режалаштирилган.

Маданий алоқаларнинг ривожига Ўзбекистон Республикасидаги Рус маданият маркази, «Ўзбекистон — Россия» дўстлик жамияти алоҳида ҳисса қўшмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ва Россия минтақадаги барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш йўлида кучлар ва манбаларни, йирик гуманитар салоҳиятни бирлаштирмоқда.

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, Россия Федерацияси таълим тизимининг фахрий ходими, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Ислом КАРИМОВ:
Бу ҳужжат муносабатларни ривожлантириш учун шунчаки шарт-шароит яратибгина қолмай, балки Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликнинг таъминланишига кафолат беради.

Владимир ПУТИН:
Шартнома мамлакатларимизни ўзаро ҳамкорликнинг принципиал янги сифатига ва даражасига олиб чиқади. Россия ва Ўзбекистон минтақада барқарорлик ва тараққиёт йўлида улкан ижтимоий салоҳиятни ишга солиш учун куч ва ресурсларни бирлаштиради.

Ташрифлар, қабуллар, учрашувлар

2005 йил

28-29 июнь — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин таклифига биноан амалий ташриф билан Москвада бўлди.

23 сентябрь — Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси Мудофаа вазири Сергей Ивановни қабул қилди.

26 сентябрь — Ислом Каримов Оқсаройда Россиянинг «Газпром» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди.

6-7 октябрь — Ислом Каримов Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида қатнашди.

10 октябрь — Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

11 октябрь — Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерациясининг саноат бўйича Федерал агентлиги раҳбари Борис Алёшинни қабул қилди.

21 октябрь — Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

14 ноябрь, Москва. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

2 декабрь — Ислом Каримов Оқсаройда «РУСАЛ» компанияси директорлар кенгаши раиси Олек Дерипаскани қабул қилди.

2006 йил

17 январь — Ислом Каримов Оқсаройда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти Бош котиби Григорий Рапотани қабул қилди.

20 январь — Ислом Каримов Оқсаройда «Газпром» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди.

24-25 январь — Санкт-Петербург. Ислом Каримов Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Давлатлараро кенгашида иштирок этди.

7 февраль — Ислом Каримов Оқсаройда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби Николай Бордюжани қабул қилди.

13 февраль — Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси Федерал мажлисининг Давлат думаси раиси Борис Гризловни қабул қилди.

10 апрель — Ислом Каримов Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Федерал мажлиси Федерация кенгаши раиси Сергей Мироновни қабул қилди.

6 май — Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Дмитрий Медведевни қабул қилди.

12 май — иккала мамлакат Президентлари Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг расман кучга кириши муносабати билан учрашдилар.

НЕФТЬ ВА ГАЗ СОҲАСИНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

— Ўзбекистон ва Россия давлат раҳбарлари томонидан имзоланган мамлакатларимиз ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорлигимизга янги туртки берди, — деди матбуот анжуманида "Лукойл" очиқ акционерлик жамияти президенти Вагит Алекперов. — Биз ўзбекистонлик шериклар билан очиқ мулоқот тарафдоримиз ва Ўзбекистонни инвестицияларимиз учун стратегик аҳамиятга молик минтақа деб ҳисоблаймиз.

Ҳамкорликда амалга оширилган ишларнинг дастлабки натижалари ҳам бундан далолат беради. Сўнгги икки йил ичида молиявий қўйилмалар ҳажми 160 миллион АҚШ долларидан ошди. Келгуси йилда йилига 3 миллиард куб метр ҳажмда газ қазиб олинадиган биринчи конни ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

Кандим конлари мажмуида лойиҳа-қидирув ишлари олиб борилмоқда. Ушбу конларни 2009-2010 йилларда фойдаланишга топшириш ва йилига 10 миллиард куб метргача газ қазиб олиш мўлжалланган. Мазкур иккита лойиҳа бўйича инвестициялар бир ярим миллиард АҚШ долларидан ошади.

Маълумки, Ўзбекистонда "Лукойл оверсиз Узбекистан Лтд" шўъба корхонаси ташкил этилиб, унда 100 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Яқинда компания офиси пойдеворига биринчи тошни қўйиш маросими бўлиб ўтди. Икки йилдан кейин янги тузилмада меҳнат қиладиган мутахассислар сони 300 га етади. Уларнинг аксариятини Ўзбекистон фуқаролари ташкил этади.

Вагит Алекперов "Лукойл" Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнларида иштирок этадими, деган саволга компания бугун асосий эътиборни нефть-газ тармоғининг учта соҳасига — углеводород хомашёсини қидириш, қазиб олиш ва қайта ишлаш, нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда сотишга қаратмоқда, деб жавоб берди. "Лукойл" катта миқдорда турли хил мойларни ишлаб чиқаради ва хорижда муваффақиятли сотади. Улар учун тегишли халқаро сифат сертификатлари олинган. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида ҳам шундай маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу борада биз умумий саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришимиз мумкин. Биз бундай таклифни билдирдик.

Россия компанияси раҳбари Ўзбекистонда бизнесни янада ривожлантириш ҳақида гапирар экан, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Лукойл", Корея миллий нефть корпорацияси (KNOC), Хитой миллий нефть компанияси (CNPC) ва Petronas Caligari Overseas (Малайзия) компаниясидан иборат 2005 йилда ташкил этилган инвесторлар консорциуми катта истиқболга эга эканини таъкидлади. Тенг улушга эга консорциум иштирокчилари 2006 йил давомида Орол денгизининг Ўзбекистон қисмидаги нефть-газ конларини ўзлаштириш бўйича Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимни имзолашни мўлжалламоқда.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

Зангиота туманининг Назарбек қишлоғида ташкил этилган шу номдаги "Сладкий мир" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси иш бошлаганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Лекин бу жамоа ўтган қисқа даврда ишлаб чиқараётган печеньелари билан кўпчилик истеъмолчиларнинг эътиборини қозонди. Чунки улар сифатлилиги, мазалилиги ва витаминларга бойлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Ҳозир жамоа маҳсулотларига нафақат пойтахтимизда, балки республикамизнинг кўпгина вилоятларида ҳам талаб ортиб бораётгани бунинг тасдиғидир.

«Сладкий мир»нинг мижозлари кўпаймоқда

Бугунги кунда корхонада 48 киши меҳнат қилаяпти. Уларнинг асосий қисми хотин-қизлардан иборат бўлиб, шу қишлоқда истиқомат қилишади. Корхона цехлари озода, барча дастгоҳлар замонавий бўлиб, уларнинг ҳаммаси хорижда ишлаб чиқарилган. Жамоа аъзолари учун ҳам барча шарт-шароит яратилган.

Келинг, корхонанинг ўтган йилги фаолиятига бир назар ташлайлик. Бутун жами 188 миллион сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 5,5 миллион сўмликка яқин соф фойда олинди. Шу сабабли ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошлари ҳам ошиб бормоқда.

— Мен корхона очилгандан буён шу ерда ишлайман, — дейди қадоқловчи Мақсуда Эгамбердиева. — Ойлик маошларимизни ўз вақтида беришади. Унумли меҳнат қилишимиз ва тушлик пайтларида мароқли дам олишимиз учун барча шарт-шароит яратилган.

Корхонанинг жорий йилдаги кўрсаткичлари айниқса, салмоқли бўлмоқда. Ўтган биринчи чоракда 26 миллион сўмлик миқдорда маҳсулот тайёрланиб, савдо шохобчаларига етказиб берилгани шундан далолатдир.

— Истеъмол бозорини мунтазам равишда ўрганишимиз ва харидорлар таклиф ҳамда истакларини ҳисобга олаётганимиз ўз самарасини беряпти, — дейди корхона бош раҳбари Исмоил Пўлатов. — Натижада маҳсулотларимиз омборларда туриб қолмаяпти. Энг муҳими, печеньелар-нинг ҳаммаси ўзимизда ишлаб чиқарилган хомашёдан тайёрланяпти.

Жамоа, шунингдек, соф фойда ҳисобидан ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиб келаётганлиги таҳсинга сазовордир. Масалан, ўтган даврда тумандаги "Назарбек" қишлоқ фуқаролар йиғинига, Ўзбекистон Карлар жамиятига ва бокувчисини йўқотган бир неча оилаларга моддий ёрдам кўрсатди. Корхонанинг "Сладкий мир" мини футбол жамоаси эса Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти мусобақаларида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни олишга муваффақ бўлди.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

"В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акционерлик жамияти Россиянинг "Техноспецсталь-инжиниринг" компаниясига (Санкт-Петербург) 2008 йилгача 30 та Ил-114 самолётини етказиб бериш бўйича ўзининг сўнгги йиллардаги энг йирик шартномасини имзолади.



СУРАТДА: самолётлар йиғиладиган цехда.

Ўтган ҳафтага назар

БУНЁДКОРЛИК — ФАРОВОН ҲАЁТ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сафар Навоий вилоятидан бошланди. Юртбошимизнинг «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси токари В.Зирянов билан суҳбати менда катта таассурот қолдирди. Сабаби шундаки, айрим чет эл матбуоти вакиллари юртимиздаги ишсизлар сонини бир неча баравар ошириб кўрсатиб, ишга яроқли аҳолининг асосий қисми хорижга чиқиб кетаётгани ҳақида аюҳаннос солади. Суҳбат асносида В.Зиряновнинг яқинда Россиянинг Ирбит шаҳридан келгани маълум бўлди. Ушбу шаҳардаги машинасозлик заводи банкрот бўлиб тўхтаб қолгани учун у Навоийга келибди ва бугун бирлашмада токарь бўлиб ишлаётган экан. Бундан чиқадиган хулоса шуки, астойдил ишлайман деган одамга юртимизда иш ўринлари етарли.

Навоий мамлакатимизнинг энг навқирон шаҳарларидан бири. Бу ерда сўнгги йилларда ўнлаб янги корхоналар иш бошлади, юзлаб маданий-маиший бинолар қурилди. Шу йил Наврўз байрами куни шаҳарда янги масжид биноси тантанали суратда очилган эди. Президентимиз мазкур масжид билан танишиб, вилоят имом хатиби, оқсоқоллар билан суҳбатлашар экан, истиқлол туфайли буюк бобомиз Алишер Навоий номи ила аталувчи вилоят ва шаҳарда ободончилик ишлари олиб борилаётгани, юртдошларимизга барча соҳаларда қулай шароитлар яратиш учун кенг имкониятлар пайдо бўлганини таъкидлади.

Президентимизнинг Бухорога сафари шаҳардаги Марказий истиқлол боғини кўздан кечиришдан бошланди. Мамлакатимиз раҳбари 72 гектар ерни эгаллаган мазкур боғда амалга оширилган қурилиш ва реконструкция ишларига юқори баҳо берди. Боғ ҳамда шу йил Хотира ва Қадрлаш куни арафасида қуриб битказилган Хотира хиёбони ён-атрофдаги тарихий обидалар билан уйғунлашиб, яхлит бир ансамблга айланганини қайд этди.

Юртимизда буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларга ҳилоф муомала қилишга қарши курашга оид масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидландики, сўнгги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг ""Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонуни талабларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

Бироқ, шу билан бирга, айрим ҳолатларда бу соҳада маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳуқуқбузарларнинг ҳаракатларини малакалаш, материалларни ҳал этишда қонун талаблари бузилаяпти.

Йиғилишда диний экстремизм, терроризмга қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги қонунлар ижросини таъминлаш ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида бу йўналишдаги фаолият, айниқса профилактика ишларининг самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар атрофлича муҳокама этилди.

Жиноятчиликнинг олдини олишда гиёҳвандликка қарши кураш масалалари ўта муҳим аҳамиятга эга.

Бош прокуратура матбуот хизматидан маълум қилишларича, йиғилишда бу борада амалга оширилган ишлар билан бирга, қатор камчилик ва қонунбузарлик ҳолатлари мавжудлигига эътибор қаратилган.

Мутасадди идоралар томонидан гиёҳвандликка чалинган шахсларни аниқлаш, мажбурий даволаш ҳамда мазкур соҳадаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни амалга оширишдаги камчиликлар жиддий муҳокама этилди.

Жаҳон микёсида гиёҳвандликка қарши кураш олиб борилаётган бир вақтда терроризм ва уюшган жиноятчиликка қўшилиб кетган бу иллатни бартараф этишда ҳамкорликдаги ишларни кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишга таклиф этилган мутасадди идораларнинг айрим масъул ходимлари муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Кенгаш қайд этилган камчилик ва қонунбузарликларни бартараф этиш, ушбу соҳалардаги фаолият сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга оид қарорлар қабул қилди.

(ЎзА).

Энг яхши китобхонлар

Жиззахдаги вилоят болалар кутубхонасида "Энг яхши китобхон ким?" танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган ёшлар ўзаро куч синашдилар. Билимдонлар баҳсида тест саволлари, давра суҳбатлари ва савол-жавобларда юқори кўрсаткичга эришганлар кўп бўлди. Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, Дўстлик туманидан Шаҳноза Эшимова, Лайло Холмуродова, Мираббос Аминовлар «Энг яхши китобхон» деб эътироф этилди.

– Кутубхонамизда болаларни қизиқтирувчи, уларнинг эътиборини тортувчи тадбирларни уюштириш анъанага айланиб қолган, – дейди кутубхона директори Ҳафиза Қудратова. – "Балли, қизлар" танловлари, турли мавзулардаги адабий кечалар, кўчма китоб кўргазмалари шулар жумласидандир.

Ўз мухбиримиз.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мувофиқлаштирувчи кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Бош прокуратура бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар, Ўзбекистон Транспорт ва Ҳарбий прокурорларининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг масъул ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонуни талабларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ҳужжатларни, фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги ҳамда таниб олинмаган жасадлар топилганлиги ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф муомала қилишга қарши курашга оид масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидландики, сўнгги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг ""Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонуни талабларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

Бироқ, шу билан бирга, айрим ҳолатларда бу соҳада маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳуқуқбузарларнинг ҳаракатларини малакалаш, материалларни ҳал этишда қонун талаблари бузилаяпти.

Йиғилишда диний экстремизм, терроризмга қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги қонунлар ижросини таъминлаш ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида бу йўналишдаги фаолият, айниқса профилактика ишларининг самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар атрофлича муҳокама этилди.

Жиноятчиликнинг олдини олишда гиёҳвандликка қарши кураш масалалари ўта муҳим аҳамиятга эга.

Бош прокуратура матбуот хизматидан маълум қилишларича, йиғилишда бу борада амалга оширилган ишлар билан бирга, қатор камчилик ва қонунбузарлик ҳолатлари мавжудлигига эътибор қаратилган.

Мутасадди идоралар томонидан гиёҳвандликка чалинган шахсларни аниқлаш, мажбурий даволаш ҳамда мазкур соҳадаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни амалга оширишдаги камчиликлар жиддий муҳокама этилди.

Жаҳон микёсида гиёҳвандликка қарши кураш олиб борилаётган бир вақтда терроризм ва уюшган жиноятчиликка қўшилиб кетган бу иллатни бартараф этишда ҳамкорликдаги ишларни кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишга таклиф этилган мутасадди идораларнинг айрим масъул ходимлари муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Кенгаш қайд этилган камчилик ва қонунбузарликларни бартараф этиш, ушбу соҳалардаги фаолият сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга оид қарорлар қабул қилди.

(ЎзА).

«Камалак» кенгашди

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигидаги "Камалак" республика болалар ташкилотининг 5-анжумани бўлиб ўтди. "Бахтли болалик" шиори остида ўтган ушбу анжуман ёшларда етакчилик қобилиятини шакллантириш, ҳаракатнинг сардорлар кенгаши фаолиятига баҳо бериш, унинг келажакдаги таркиби ва иш режасини белгилашга қаратилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида ўқувчилар "Заковат", "Интизом", "Маҳалла умиди", "Соғлом авлод" каби бир неча йўналишлар бўйича тақдирландилар. Шунингдек, анжуман доирасида "Сардор-2006" кўрик-танловининг Республика босқичи бўлиб ўтди. 6 та шарт асосида ўзаро беллашган ғолибларга "Камалак" болалар ташкилотининг махсус совғалари топширилди.

Муборак ОХУНОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

Самарқанд давлат университетида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва «Шуҳрат» медали нишондори Мақсуд Қориев билан учрашув бўлиб ўтди.

Талабалар ҳузурида

Анжуманни университет ректори Т. Ширинов очди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси П. Қодиров ва филология фанлари доктори, профессор С. Мирвалиев ёзувчининг ижодий қирралари, асарларининг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб беришди.

Сўнг Мақсуд Қориев Самарқанд ижодий муҳити ва қадимий шаҳар билан ўз ижодининг боғлиқ жиҳатлари ҳақида сўз юритди. Талабаларнинг, мухлисларнинг саволларига жавоб қайтарди. Қисқаси, учрашув ҳар қандай расмиятчиликдан холи бўлган дилкаш суҳбатга айланди.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI FILIALI

сизларни 29 май куни соат 12.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога 2006 йил 17 майда белгиланган аукцион савдосида сотилмай қолган, тугатилаётган "Техтаъминот" очиқ акционерлик жамиятига тегишли бўлган мол-мулклар қўйилади.

1. **1987 йилда ишлаб чиқарилган, МАЗ-53371 русумли, давлат рақами 11 AD 199 бўлган автотранспорт воситаси.**

Бошланғич баҳоси — 3 600 000 сўм.

2. **4-сонли омборхона биноси.**
Қисқача тавсифи:
- умумий майдони 987,2 кв.м., қурилиш ҳажми 6219,1 куб.м., бир қаватли, темир-бетон конструкциялардан қурилган.

Бошланғич баҳоси — 47 080 000 сўм.

2006 йил 22 июнь куни соат 12.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тугатилаётган "Техтаъминот" очиқ акционерлик жамиятига қарашли қуйидаги мол-мулклар қўйилади:

1. **Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси.**
Майдони — 41,3 кв.м. бўлган бино, 16 номдаги асбоб-ускуналардан ташкил топган.

Бошланғич баҳоси — 96 848 894, 82 сўм.

2. **Ёнилғи-мойлаш материаллари омборхонаси.**
Умумий майдони — 555,04 кв.м. бўлган 9 та бино, узунлиги 1718 м. асфальт йўл, узунлиги 320 м. темир йўл, узунлиги 468 м. темир тўсиқ, 111 номдаги асбоб-ускуналардан ташкил топган.

Бошланғич баҳоси — 359 520 062,44 сўм.

Сотилмай қолган мулклар 2006 йил 29 июнь куни соат 12.00 да ташкил қилинадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қўйилади.

Аукцион савдолари Ангрен шаҳар, Дзержинский кўчаси, 14-уй манзилида, "Техтаъминот" очиқ акционерлик жамиятида ўтказилади. Телефонлар: 8 (266) 2-31-21, 382-89-14.

Имкониятингизни бой берманг!

Ушбу автотранспорт воситаси, иншоотлар ва мол-мулклар савдосида қатнашиш учун ариза ва 10 фоизлик закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр к., 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, 133-49-31. Факс: 133-43-73.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD

Vinlad — Сделаем жизнь спокойнее!

КОДОС HID ADI International

Вид деятельности — проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

Системы контроля доступа
Устройства печати на пластиковых картах

DatacardGroup
SECURE ID AND CARD PERSONALIZATION SOLUTIONS



ул. Дружбы народов, 44.
Тел. 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web site:www.vinlad.com

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

Hisense
КОНДИЦИОНЕРЛАРИ

ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТИ
ҲАВОНИ ИОНЛАШ
3 ЙИЛ БЕПУЛ СЕРВИС ХИЗМАТИ

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

АЛИШЕР НАВОИЙ КЎЧАСИДАГИ САВДО РАСТАЛАРИДАН СЎРАНГ, ТЎЛОВ – ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН. Тел.: 173-21-64.

2006 йил 30 июнь – 1 июль кунлари Голландиянинг Утрехт шаҳрида

«All Holland Dairy Show» ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.





Бу ярмарка қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг катта ярмаркалардан бўлиб, унда Голландия ва бошқа мамлакатларнинг 100 дан ортиқ компаниялари иштирок этади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган ютуқлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган замонавий технологиялар ва дастгоҳлар ушбу ярмаркада кенг намойиш этилади. Ҳар йили бу ярмаркага дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатидан 20.000 дан зиёд тадбиркорлар, фермерлар ва шу соҳа мутахассислари ташриф буюрадилар.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг «TEXNOEKSIMINVEST» унитар корхонаси мамлакатимиз тадбиркорлари, фермерлари ва шу соҳа вакиллари учун ушбу ярмаркага 28 июндан 4 июлгача ташриф уюштиришни мўлжаллаган. Ташриф давомида Голландиянинг йирик агрокомпаниялари фаолияти билан танишиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Ярмарка бўйича қўшимча маълумотларни www.nrm.nl сайтидан олишингиз мумкин.
Ярмаркада иштирок этишни хоҳловчилар жорий йилнинг 30 майигача мурожаат этишлари мумкин.



Мурожаат учун шахслар:
Алишер Пўлатов, Бахтиёр Мираҳмедов.
Телефон: (998-71) 132-08-95.
Факс: (998-71) 133-78-42.
E-mail: texnoeksiminvest@mail.ru

Манзилимиз: 700047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бухоро к., 6-уй.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ МАЪМУРИЙ БИНОСИНИ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ УЧУН ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект қурилиши давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.
Объект бошланғич нархи — 154 млн. 794 минг сўм: 2006 йил — 120 млн. сўм, 2007 йил — 34 млн. 794 минг сўм.
Объектни қуриб битказиш муддати — 10 ой.
Буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Сирдарё вилояти бошқармаси.
Манзил: Гулистон ш., Г.Абдураҳмонов к., 7-уй. **Телефон:** 27-89-08. Факс: 27-89-45.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар танлов савдоси предмети 20 фоиз миқдорида ҳисоб рақамларида айланма маблағлар бўлиши, агар бўлмаса шу миқдорда банкдан кредит бериш кафолатномаси, қурилиш ишларини бажариш учун зарур материал, техника ва ишчи ресурсларига эга бўлишлари, малакали мутахассислари мавжудлиги, шартнома тузиш-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга бўлиши, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотлар қуриш тажрибасига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан эълон чоп этилгач, 30 кун мобайнида савдо ташкилотчиси — Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй. Тел./факс: (8-3672) 27-64-84.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплами нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади ва унинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кун ўтгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ISO 9001

Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

«Management Consulting» компанияси ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 22000) халқаро стандартлар талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга ихтисослашган.

Шунингдек, ҳужжатларни электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатади.

Тел. /факс: (+99871) 132-12-55, 132-20-83, 154-66-98, 136-14-09.
E-mail: info.mc@mail.ru
Web-site: www.mc.uz

Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК;
- «Муборакнефтгаз» УШК;
- «Vinlad» ИИК;
- «Rubicon Wireless Communication» ҚК;
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ;
- «ЎзДонгВон КО» ҚК;
- «Жанубгазқурилиш» ОТҲЖ;
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОТҲЖ;
- «AGRIHIM» ҚК.

Спорт

Чемпионлик кимга насиб этади?

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида футзал бўйича VIII Осиё чемпионатига старт берилди.

AFC FUTSAL CHAMPIONSHIP UZBEKISTAN 2006

Ўтган якшанба куни турнирнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан Осиё футбол конфедерацияси делегацияси раҳбари Жунжи Огиро ва Ўзбекистон футбол федерацияси президенти Мираброр Усмоновлар мазкур спорт тури дунёда жадаллик билан ривожланиб бораётганлигини таъкидладилар ва мусобақа иштирокчиларига омад тиладилар. Осиё чемпионатида қитъамизнинг 16 та кучли жамоаси қатнашмоқда. Ҳозиргача ўтказилган еттита чемпионат ўйинларида Эрон футзалчилари бош совринни қўлга киритишган.

VIII Осиё чемпионатнинг илк учрашувини Эрон—Туркманистон жамоалари бошлаб беришди. Ҳужумкор рухда ўтган ўйинда Эрон терма жамоаси рақиблари дарвозасига ўн тўртта жавобсиз тўп йўллаб (14:0) бу сафар ҳам бош соврин учун баҳс юритишларини амалда исботладилар. Яна бир йирик ҳисоб Япония — Гонконг жамоалари ўртасидаги беллашувда қайд этилди. Унда кунчиқар юрт футзалчилари 12:0 ҳисобида зафар қучдилар. Тожикистон — Ироқ учрашувида 4:2 ҳисобида қўшниларимиз зафар қучишди. Биринчи куни ўтказилган ўйинларнинг қолганларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Қирғизистон — Австралия 5:1, Кувайт— Ливан 5:5.

Ўзбекистон футзалчилари биринчи учрашувни кеча Малайзия терма жамоасига қарши ўтказди. Футзалчиларимиз қитъа чемпионатларида доимо муваффақиятли иштирок этиб келишган. Учрашувда ҳамюртларимиз Малайзия жамоасидан анча устун эканликларини намойиш этиб, 7:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Тўпларни Хуршид Тожибоев (тўртта), Абдулла Бўриев, Анвар Мамедов ва Николай Одушев киритди. Вакилларимиз бугун Хитой Тайпейи терма жамоаси билан иккинчи тур учрашувини ўтказади.

Мусобақалар давом этмоқда.

«Андижон»нинг шашти баланд

Футбол бўйича мамлакат 15-миллий чемпионатининг 10-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Турнинг марказий учрашувида «Насаф» Тошкентда «Пахтакор» меҳмони бўлди. Шу ҳафта ўзининг эллик йиллик юбилейини нишонлайдиган мамлакатимиз бош жамоаси ушбу мавсумдаги мағлубиятсиз одимини давом эттирди. Ринат Байрамов ва Зайниддин Тожиевлар томонидан киритилган голлар (2:0) «Пахтакор»га навбатдаги ғалабани келтирди. «Андижон» жамоаси ҳам ўз мухлисларини хурсанд қилишда давом этмоқда. Ушбу турда «Андижон» Зарафшоннинг «Қизилқум» жамоасини 5:3 ҳисобида доғда қолдирди. Ниҳоят, Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси ҳам ўзининг биринчи ғалабасини нишонлади. Улар ўз майдонида «Хоразм» футболчилари дарвозасига жавобсиз тўртта тўп йўлладилар(4:0). Ўнинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Трактор» — «Навбаҳор» 1:1, «Локомотив» — «Бухоро»1:0, «Шўртан» — «Металлург» 1:0, «Нефтчи» — «Самарқанд — Динамо» 4:1. «Тўпаланг» — «Машъал» учрашуви бошқа кунга қолдирилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

10-турдан сўнг турнир жадвали қуйидагича кўриниш олган:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Пахтакор»	**10**	**9**	**1**	**0**	**24-2**	**28**
«Нефтчи»	**10**	**7**	**1**	**2**	**22-9**	**22**
«Насаф»	**10**	**7**	**1**	**2**	**19-11**	**22**
«Машъал»	9	6	2	1	14-4	20
«Бухоро»	10	5	0	5	15-11	15
«Андижон»	10	4	2	4	17-13	14
«Тўпаланг»	9	4	2	3	13-10	14
«Трактор»	10	4	2	4	11-14	14
«Навбаҳор»	10	3	4	3	11-10	13
«Қизилқум»	10	3	3	4	14-17	12
«Локомотив»	10	3	3	4	9-17	12
«Шўртан»	10	3	1	6	6-11	10
«Самарқанд-Д»	10	3	1	6	5-15	10
«Металлург»	10	2	3	5	11-12	9
«Сўғдиёна»	**10**	**1**	**2**	**7**	**5-14**	**5**
«Хоразм»	**10**	**0**	**2**	**8**	**4-26**	**2**

«Мулоқот» мулоқотга чорлайди

Ўзининг илк сонидан ҳурлик ва озодлик тарғиботчиси сифатида майдонга келган «Мулоқот» мустақилликни мустаҳкамлаш, умуммиллат ва Ватан манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатишга, ёшларни маънавиятга, меҳр-муҳаббатга, вафо ва садоқатга, эътиқодли бўлишга чорлаб келди. «Мулоқот» ана шу тарзда ижтимоий фикр майдонига айланди.

Зеро, жамиятда яшаётган ҳар бир инсон, фикр билан яшайди, уни амалга оширишга интилади.

Халқимизнинг урф-одатлари, миллий анъана ва удумлари ёритилган мақолалар билан бирга инсонпарвар жамият ва баркамол шахс, ҳуқуқий мерос, маънавият ва мафкура, илм ва эътиқод, маърифат ва камолот ҳақида баҳс-мунозаралар эълон қилинди.

«Мулоқот» янги номларни кашф этиш борасида ҳам изчил фаолият юритиб келмоқда. Журнал саҳифаларида мунтазам ёш олимлар, мусаввирлар, ёзувчилар, шоирлар ижодидан бериб борилаётган намуналар кўпчиликка манзур бўлаётганлиги қувонарли. Журналда нафақат олимлар ва мутахассислар, балки оддий замондошларимиз ва мактаб ўқувчиси ҳам ўз фикрини, юрак сўзларини изҳор этишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, журнал ёшларнинг энг яқин маслаҳатгўйидир. Чунки унинг ҳар сони маънавий оламимиздаги кемтикларни тўлдирадиган ҳикматлар, фалсафамиз дурдоналари, фойдали маслаҳатлар ва ажойиботлар билан тўлиқ бўлади.

2006 йилнинг иккинчи ярми учун «Мулоқот»га обуна давом этмоқда. Журнал ҳар бир хонадонга фойдали ўгитлар, ҳаётий зарур одоб-ахлоқ дурдоналари билан биргаликда комилликка элтувчи маърифат олиб кирмоқда. Чинакам оммавий нашргина бундай улуғвор вазифаларни ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйиши мумкин.

Обуна барча почта бўлимларида қабул қилинмоқда. Нашр кўрсаткичимиз — 844.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ.

Заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатида ўтказилаётган оммавий тадбирлар ўртасида спорт мусобақаларининг алоҳида ўрни бор.

Ҳомийлик ҳамманинг иши

Шу боис тарбияланувчилар ҳаракатчан ўйинларда умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олаётган тенгдошларидан қолишмайди.

Мактаб-интернатнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директори ўринбосари Холиқул Ибрагимовнинг таъкидлашича, болажонларнинг спортсеварлиги ҳомийлар томонидан мунтазам рағбатлантириб турилибди. Ўтган йили Касаба уюшмалари вилоят кенгаши, Зарбдор тумани прокуратураси 3 миллион сўмликдан зиёд спорт буюмлар, кийим-кечаклари совға қилишганди. Яқинда Республика ногиронлар ассоциацияси интернатга 200 минг сўмлик спорт жиҳозлари иньом этди.

Энг муҳими, шу пайтгача мослаштирилган бино жойлашган мактаб-интернатга шу ердаги Огаҳий номли 14-мактабга қарашли бино тўлиқ бўшатиб берилди. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» вилоят дастурига биноан бинони капитал таъмирлаш учун 200 миллион сўм ажратилди. Янги ўқув йилигача тарбияланувчиларнинг ўзига хос спорт зали ҳам бўлади.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, боғ соҳиблари, тадбиркорлар диққатига!

Пуркагичлар керакми? Марҳамат!

«ЎЗҚИШЛОҚМАШХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДАГИ «AGRIXIM» ЎЗБЕКИСТОН–ИТАЛИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИДА



ишлаб чиқарилаётган олти хил — пахтачилик-боғдорчилик учун «VP-1» русумли пуркагич-чангитгич, шунингдек, «Кариола-С-100», «ОРПД-12/М», «Аида», «Леонора», «Асусена» пуркагичларига «Ўзстандарт» агентлигидан сертификатлар берилган. Улардан саккиз йилдан бери муваффақиятли фойдаланилаяпти.

Ғўза, сабзавот майдонлари, боғлар, иссиқхоналар ва ҳовли-жойлардаги дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, шу қулай, самарали пуркагичлардан фойдаланинг. Чорвачилик фермалари, паррандачилик фабрикаларини дезинфекциялашда, жумладан, парранда гриппига қарши курашишда ҳам пуркагичлар яхши самара беради. Тадбиркорлар бу пуркагичлардан фойдаланиб, фермер ва боғ соҳибларига агрокимё хизмати кўрсатишса, бу катта наф келтиради.

Пуркагичларни маблағ ўтказиб ёки нақд пулга сотиб олиш мумкин. Қўшма корхонада пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб бериш имконияти бор.



Манзил: Тошкент ш., С.Машҳадий к., 210-уй.
Мўлжал: Шампан винолари заводи. Автобуслар: 16, 21,30.
Тел.: (998-71) 169-49-33, тел./факс: 169-49-44, 169-35-46.
E-mail: agrihim@mail.st.uz

"TOG'LAR" MCHJ

БЭМЗ МПЗ ВЭТЗ

ШАХСИЙ ОМБОРХОНАЛАН ВА БУЮРТМАГА АСОСАН

- Электродвигателлар 1 кВтдан 1 мВтгача
- Дизель-электростанциялар 8 кВтдан 630 кВтгача
- Кабель (ААШВ, АСБ, АВВГ, КГ ва бошқа русумлар)
- Трансформаторлар, трансформатор жамламалари (подстанциялар. КТП, ГКТП, ТП, КСО, ВРУлар)
- Авиа ва аэродром электр жиҳозлари
- Прожекторлар ва ёритгичлар (ЛПО, ЛВО, ЛСП, ПКН, ИО ва ҳк.)
- Ёритиш мосламалари жамламаси
- Божхонада юкларни расмийлаштириш хизматлари

Тел.: (+998 98) 128 5987,
(+998 97) 107 2841,
(+988 712) 56 0955.
Т./Ф. (+988 71) 152 1629.
E-mail: toglar_uz@mail.ru

2150R/99 ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН, ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

Ушбу жойда **Сизнинг** рекламангиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

VOLVO
Volvo Truck Corporation
Göteborg, Sweden

Ўзбекистоннинг *«TURONIMPEKS SERVIS»* компанияси Volvo Truck Corporation ширкатининг республикадаги РАСМИЙ ВАКИЛИ

Сизга Volvo русумидаги умумий вазни 16 тоннадан 100 тоннагача бўлган замонавий оғир юк автомобиллари ва уларга эҳтиёт қисмларни буюртмангизга биноан етказиб беришни кафолатлайди.

Манзилимиз: 700015, Тошкент, Кунаев кўчаси, 9-«А» уй.
Телефон: + 998 71 150-66-20. Телефакс: +998 71 150-66-30.
www.volvotruck.com

Маҳсулот сертификатланган.

Hyundai Football World Championship

DONGNAMUZ-MOTORS OFFICIAL DISTRIBUTOR OF HYUNDAI MOTOR COMPANY

DONGNAMUZ MOTORS

Address: 8, Afrosiab str., Tashkent
Tel.: (998-71) 152-26-07(08), Fax: (998-71) 152-17-25
E-mail: hdnuz@yahoo.com www.uzbekistan.hyundai-motor.com

Sonata NF
Elantra
Coupe
Santa Fe
Tucson
Terracan
Matrix
H-1 Starex
Grandeur XG

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕР AVTODOM PLUS

"ВОЛГА", ГАЗ 31105 — ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли — Газ 32214, "Тез ёрдам" автомобили — ГАЗ 3307-12, "Сут" автоцистернаси — ГАЗ 2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон — ГАЗ 2752, Инкассация автомобили — ГАЗ-33023 "Фермер", юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли — ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли, автогидрокўтаргичлар, автоустаҳоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобиль билбордлар, автоэвакуаторлар, газ баллонлари ташийдиган юк машиналари.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР:
- сут ташийдиган;
- ёнилғи ташийдиган;
- самосваллар.

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

KAMMAZ ARSENAL

юк машиналари учун **ШИНА** таклиф этади

Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.
Сайт: www.uzkam.com

Товар сертификатланган

Манзил: Тошкент ш., Братислава к., 11 (мўлжал – Бобур боғи)

ЭЪЛОН

«ЮЛДУЗ» ОАЖ

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2006 йил 6 январь кунидаги 10-0320/3651-сонли ИШИГА АСОСАН БАНКРОТ ДЕБ ТОПИЛДИ ВА ТУГАТИШГА ДОИР ИШЛАР БОШЛАНДИ.

Шу сабабли корхонага тегишли маҳсулотлар корхона ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли орқали сотилади:

- *тикув маҳсулотлари;*
- *газмоллар;*
- *фурнитура;*
- *нархи арзон ҳисобланган жиҳозлар.*

Мурожаат учун манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-уй.

Телефонлар: 135-00-15, 134-01-53.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 757. 28740 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: *Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Маҳраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 23456